



# ЖУРНАЛ ИССЛЕДОВАНИЙ И РАЗВИТИЯ THE JOURNAL OF RESEARCH AND DEVELOPMENT ТАДҚИҚОТ ВА ТАРАҚИЁТ ЖУРНАЛИ

ISSN: 3030-3281. Volume I, Issue-6, (June) 2024  
Journal homepage: <https://imfaktor.com/index.php/tjrd>

**МУРОДОВ Бахтиёржон Баходирович**

*ИИВ Академияси Тергов фаолияти кафедраси бошлиги,  
юридик фанлар доктори профессор*

**Темур Байжанов,**

*Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги  
Академияси мустақил изланувчиси*

## СУРИШТИРУВ ВА ДАСТЛАБКИ ТЕРГОВ БОСҚИЧИДА ТЕРГОВГА ТЕГИШЛИЛИК ИНСТИТУТИНИНГ ҚЎЛЛАШ АСОСЛАРИ ВА ПРОЦЕССУАЛ ТАРТИБИ

### АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада Ўзбекистон Республикаси жиноят-процессуал қонунчилигига биноан суриштирув ва дастлабки тергов bosқичида терговга тегишлилик институтининг қўллаш асослари ва процессуал тартиби таҳлил қилинган. Шу билан бирга, бир қатор миллий ва хорижий мамлакатлар мутахассисларининг бу борадаги фикрлари ўрганилган. Шунингдек суриштирув ва дастлабки тергов bosқичида терговга тегишлилик институтининг қўллаш асослари таҳлил қилиниб, амалиётдаги муаммолар тадқиқ қилинган ҳолда илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Калит сўзлар:** Жиноят-процессуал кодекси, жиноят иши, тергов, суриштирув, орган, тегишлилик.

## ОСНОВЫ И ПРОЦЕССУАЛЬНЫЙ ПОРЯДОК ПРИМЕНЕНИЯ ИНСТИТУТА ЗНАЧИМОСТИ ДЛЯ СЛЕДСТВИЯ НА СТАДИИ ДОЗНАНИЯ И ПРЕДВАРИТЕЛЬНОГО СЛЕДСТВИЯ

### АННОТАЦИЯ

В данной статье анализируются основы применения и процессуальный порядок применения института отношения к расследованию на стадии дознания и предварительного следствия в соответствии с уголовно-процессуальным законодательством Республики Узбекистан. В то же время были изучены мнения специалистов из ряда отечественных и зарубежных стран по этому вопросу. Также на этапе дознания и предварительного следствия были разработаны научно обоснованные предложения и рекомендации, с анализом основ применения института принадлежности к следствию и изучением проблем на практике.

**Ключевые слова:** УПК, уголовное дело, расследование, дознание, орган, значимость.

## THE BASICS AND PROCEDURAL PROCEDURE FOR THE APPLICATION OF THE INSTITUTE OF SIGNIFICANCE FOR THE INVESTIGATION AT THE STAGE OF INQUIRY AND PRELIMINARY INVESTIGATION

### ANNOTATION

This article analyzes the basics of application and the procedural procedure for applying the institute of attitude to investigation at the stage of inquiry and preliminary investigation in accordance with the criminal procedure legislation of the Republic of Uzbekistan. At the same time, the opinions of experts from a number of domestic and foreign countries on this issue were studied. Also, at the stage of inquiry and preliminary investigation, scientifically based proposals and recommendations were developed, with an analysis of the basics of applying the institute of belonging to the investigation and studying problems in practice.

**Keywords:** Criminal procedure code, criminal case, investigation, inquiry, body, relevance.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3723-сон қарорига мувофиқ [1], Ўзбекистонда янги Жиноят ва Жиноят-процессуал кодексларини қабул қилишга тайёргарлик кўрилаётгани муносабати билан турли идоралар вакиллари айрим тоифадаги жиноятлар бўйича тегишлиликни ўзгартириш масаласи бўйича ҳам ўз таклифларини билдирмоқда. Шунинг учун биз ҳам мазкур масалада ўз фикрларимизни билдириб ўтсак.

Лекин дастлаб тергов органлари ўртасидаги тегишлиликка доир қонун нормаларини таҳлил қилиш мақсадга мувофиқдир. Амалдаги ЖПКнинг 336-моддасининг 3-бандига мувофиқ, жиноят ишини кўзгатиш тўғрисида қарор чиқарилганидан кейин суриштирувчи суриштирув юритишга киришади ва бу ҳақда дарҳол прокурорни хабардор қилади ёки прокурорнинг розилиги билан жиноят ишини ушбу Кодекснинг 381<sup>2</sup>-моддасида белгиланган терговнинг тегишлилигига кўра бошқа суриштирув органига ёки ушбу Кодекснинг 345-моддасида белгиланган терговнинг тегишлилигига кўра дастлабки тергов органига юборади [2].

Агар суриштирувчи олиб боришда жиноят ишининг тегишлилигини ўзгартиришга таъсир қилувчи ҳолатлар аниқланса, яъни ишни бошқа суриштирув органига ўтказиш зарурати юзага келса, ишни юритаётган суриштирув органи фақат тегишли прокурорнинг розилиги билан суриштирувчи тўлиқ ҳажмда тамомлаши мумкин.

Суриштирувчининг юритувида бўлган жиноят иши ўзининг ижтимоий хавфлилиги жиҳатидан дастлабки тергов органига тегишли эканлиги аниқланган вазиятларда, прокурорнинг розилиги билан жиноят иши ЖПКнинг 345-моддасида белгиланган терговнинг тегишлилигига кўра дастлабки тергов органига ўтказилади.

Бу каби қонидани дастлабки тергов органларининг фаолиятида ҳам кузатиш мумкин. Лекин эътиборлиси шундаки, қонун чиқарувчи суриштирувчига фақат ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят ишларини тергов қилиш ваколатини берган бўлса, терговчига тўғридан-тўғри қайд этмаган бўлсада, барча оғирликдаги жиноятларни тергов қилиш ваколатини берган. Лекин айнан мазкур нормани ЖПКнинг 345-моддасида аниқ қилиб қайд этмаган.

Агар жиноят ишини дастлабки тергов қилиш жараёнида терговчи уни суриштирув билан чеклаш мумкинлигини аниқласа, у, қоида тариқасида, уни суриштирув органига юбориши мумкин. Бирок, ўзи тергов қилаётган жиноят ишини тезкорлик билан ҳал қилиш учун у прокурорнинг розилиги билан терговни якунлаш ҳуқуқига эга.

Терговчи жиноят ишини тергов қилиш давомида иш бошқа тергов органининг терговига тегишли эканлигини аниқласа, нима қилиши керак?

Баъзи муаллифларнинг фикрига кўра, ички ишлар органлари терговчисининг юритувида бўлган жиноят иши прокуратура органлари терговига тегишли эканлиги аниқлаганида, бу иш бир тергов органидан бошқасига ўтказилиши лозим. Чунки, ЖПКнинг 345-моддасига мувофиқ, ички ишлар органларининг терговчилари фақат ўзларининг терговига тегишли бўлган жиноят ишлари бўйича дастлабки терговни амалга ошириш ваколатига эга.

Юқоридаги мулоҳазалардан шундай хулоса келиб чиқадики, агар ички ишлар органлари терговчиси дастлабки тергов давомида юритувидаги жиноят иши бошқа дастлабки тергов органи терговига тегишли эканлигини аниқласа, ўрнатилган тартибда тегишлилиги бўйича юбориши лозим. Ҳуқуқни қўллаш амалиётида ҳам худди шундай амалга оширилмоқда. Шундай қилиб, Т.га нисбатан ички ишлар органларининг тергов бўлинмалари томонидан Жиноят кодексининг 104-моддаси учинчи қисми “д” билан жиноят иши қўзғатилган. Лекин тергов давомида Т.нинг ҳаракатларида Жиноят кодексининг 97-моддасида назарда тутилган жиноят белгилари аниқланганлиги муносабати билан жиноят иши терговга тегишлилиги бўйича прокуратура органларига юборилган. Прокуратура органлари томонидан айбланувчининг ҳаракатларида Жиноят кодексининг 97-моддаси таркиби мавжуд эмас деган хулосага келиниб, қилмиш ушбу Кодекснинг 104-моддасига қайта малакаланган ва дарҳол ички ишлар идораларининг дастлабки тергов органига юборилган [3].

Ички ишлар органининг терговчиси қандай ҳолатларда прокуратура ёки давлат хавфсизлик хизмати терговига тегишли жиноят ишини тергов қилиш ваколатига эга? деган саволга қуйидагича жавоб бериш мумкин: ЖПКнинг 345-моддаси саккизинчи қисмига мувофиқ, агар терговни олиб боришда бошқа дастлабки тергов органи терговига тегишли янги жиноят аниқланса, ишни юритаётган дастлабки тергов органи фақат тегишли прокурорнинг розилиги билан терговни тўлиқ ҳажмда тамомлаши мумкин.

Прокуратура терговчиларига келсак, авваллари улар ҳар қандай жиноят иши бўйича дастлабки тергов ўтказиш ҳуқуқига эга бўлган. Шу боис, тергов қилинаётган ишнинг тегишлилиги ўзгарган тақдирда ҳам у терговни бошқа бўлимнинг терговчисига ўтказмасдан давом эттириш ва яқунлаш ҳуқуқига эга эди. Ҳозирги вақтда прокуратура терговчиларининг тегишлилигига фақат маълум бир жиноятлар рўйхати киритилган. Натижада, улар ўз ваколатлари доирасидан ташқарида содир этилган жиноятлар тўғрисидаги ишларни тергов қилиш ҳуқуқига эга эмаслар.

Лекин юридик адабиётларда, айрим олимлар томонидан, жиноят иши бўйича керакли далиллар тўпланиб, барча ҳолатлар исботланган бўлса, жиноят ишини бир тергов органидан бошқа тергов органига тегишлилиги бўйича юбориш мантиқан нотўғри бўлиши ҳақида фикрлар билдирилган [4].

Чунки, мазкур омил, тергов муддатини асоссиз чўзилишига, процесс иштирокчиларининг сарсон бўлишига ва процессуал чиқимларнинг кўпайишига сабаб бўлади. Бир қарашда мазкур фикрлар асослидек кўринади. Лекин, таҳлиллар шунини кўрсатадики мазкур вазиятда масаланинг иккинчи томони ҳам мавжуд. Яъни, ҳуқуқни қўллаш амалиётида баъзи бир вазиятларда прокурор амалдаги жиноят-процессуал қонунда белгиланган ваколатидан фойдаланиб, прокуратура терговчисининг терговига тегишли бўлган жиноят ишларини ички ишлар органлари терговчиларига топшириш ҳолатлари кўп кузатилган [5].

Яъни, прокуратура нафақат ўз ваколати доирасидан ташқаридаги ишларни яқунламасдан, балки қонунни бузган ҳолда, ўз ваколатига кирувчи жиноят ишлари бўйича терговни бошқа дастлабки тергов органлари терговчиларига, айниқса, ички ишлар органлари терговчиларига топширадиган ҳолатлар ҳам мавжуд.

Масалан, С.га нисбатан ички ишлар органларининг терговчиси томонидан Жиноят кодексининг 127-моддаси (Вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб қилиш) билан жиноят иши қўзғатилган. Тергов жараёнида С.нинг ҳаракатларида бошқа жиноят таркиблари ҳам аниқланган. Натижада унга нисбатан Жиноят кодексининг 116-моддаси (касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаслик) ва 164-моддаси (босқинчилик) бўйича айблов эълон қилинди [6].

Прокурор мазкур ҳолатда жиноят ишида қатор қонунбузилишлар ва камчиликларни кўрсатиб, ишни кўшимча терговга қайтарди. Эътиборлиси, камчиликлардан бири сифатида, ЖПКнинг 345-моддаси иккинчи қисми талабларига мувофиқ, Жиноят кодексининг 116-моддаси бўйича дастлабки тергов тегишлилик бўйича прокуратура органлари томонидан олиб борилиши лозимлигини қайд этган. Ваҳоланки, айнан ЖПКнинг 345-моддаси ўнинчи қисмига мувофиқ, турли дастлабки тергов органлари терговига тегишли жиноят ишлари битта иш юритувига бирлаштирилганда, оғирроқ жиноят тўғрисидаги жиноят ишининг тергови қайси органга тегишли бўлса, шу орган томонидан тергов қилиниши лозимлиги белгиланган.

Тергов тегишлилиги тўғрисидаги нормаларнинг мукамал эмаслиги, шу жумладан, уларнинг маълум даражада ҳозирги воқеликка мос келмаслиги олимлар ва амалиёт ходимлари томонидан уларга нисбатан танқидий фикрлар, шунингдек айрим жиноятлар бўйича тергов тегишлилигини такомиллаштириш заруратини келтириб чиқармоқда.

Хусусан айрим олимларнинг фикрича, прокуратура терговчилари томонидан тергов қилинадиган жиноятлар сонини камайтириш лозим. Масалан, “97-модда. Қасддан одам ўлдириш”, “98-модда. Кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида қасддан одам ўлдириш”, “99-модда. Онанинг ўз чақалоғини қасддан ўлдириши”, “102-модда. Эҳтиётсизлик орқасида одам ўлдириш”, “103-модда. Ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш”, “103<sup>1</sup>-модда. Ўзини ўзи ўлдиришга ундаш”, “116-модда. Касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаслик”, “132-модда. Моддий маданий мерос объектларини нобуд қилиш, бузиш ёки уларга шикаст етказиш”, “137-модда. Одам ўғрилаш”, “169-моддаси иккинчи қисмининг «д» ва «е» бандлари ҳамда учинчи қисмининг «г» банди” ва бошқа бир қанча жиноятлар прокуратура органларининг фаолияти билан чамбарчас боғлиқ эмас. Шунинг учун ҳам бизнинг назаримизда қонун чиқарувчи томонидан уларнинг терговга тегишлилиги нотўғри берилган деган хулоса қилиш мумкин. Бу жиноятларнинг барчаси ички ишлар терговчилари томонидан тергов қилиниши лозим.

Сабаби, бугунги кунда аксарият ҳолатларда прокуратура органлари томонидан юқорида санаб ўтилган жиноятларни тергов қилиш учун алоҳида тергов гуруҳи тузилиб, улар таркибига ички ишлар органлари терговчиларини жалб этиш ҳолатлари жуда ҳам кенг тарқалган. Бу эса, амалда бу турдаги жиноятларнинг тергови ҳам ички ишлар органлари терговчилари томонидан амалга оширилаётганлигини кўрсатади. Айнан бу каби ҳолатларни давлат хавфсизлиги хизмати тергов органлари фаолиятида ҳам кузатиш мумкин.

Ҳуқуқни қўллаш амалиётининг таҳлилидан маълум бўладики, 2016-2022 йиллар давомида 595 нафар терговчи прокуратура, давлат хавфсизлик хизмати ва бошқа хизматларда ташкил этилган тергов гуруҳларига жалб этилган [7].

Лекин барча ҳисоботларда жиноят иши прокуратура ёки давлат хавфсизлик хизмати органлари томонидан тергов қилинган деб кўрсатилади. Бу эса, ички ишлар органларида хизмат олиб бораётган терговчиларнинг асосли эътирозларига сабаб бўлмоқда. Эътиборлиси шундаки, бирорта ҳолатда ҳам ички ишлар органларининг терговига тегишли бўлган иш бўйича тузилган тергов гуруҳига прокуратура ёки давлат хавфсизлик хизмати терговчилари жалб этилмаган [8].

Ваҳоланки, энг кўп тергов қилинаётган жиноят ишлари ҳам ички ишлар органлари зиммасига тўғри келмоқда.

Шуни ҳам алоҳида қайд этиш лозимки, ички ишлар органлари терговдаги битта терговчи ҳиссасига тўғри келадиган жиноят иши, бошқа органларнинг терговчилари ҳиссасига тўғри келадиган кўрсаткичдан бир неча баробар кўп.

Шунинг учун ҳам бу каби тушунмовчиликларга барҳам бериш мақсадида ички ишлар органлари суриштирувчи ва терговчиларини бошқа дастлабки тергов органларининг тергов гуруҳларига жалб қилиш фақат Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги Тергов департаментининг розилиги билан Бош прокурор ёки унинг ўринбосари ёхуд вилоят прокурорининг қарорига асосан аниқ муддатларни кўрсатган ҳолда амалга оширилиши мумкинлигини белгилаш мақсадга мувофиқ.

Кези келганда қайд этиш лозим, гарчи амалдаги жиноят-процессуал қонун талаблари асосида барча орган терговчилари бир хил вазифани бажарсада, уларнинг олаётган ойлик маошларида кескин фарқ мавжудлиги тушунарсиздир. Оддий мисол ДХХ терговчилари, ИИО терговчиларига нисбатан салкам икки баробар кўп ойлик маош олаётганлиги маълум бўлди [9].

Ўз навбатида, бу каби омиллар ўзига юклатилган вазифаларни сидқидилдан бажариб, юқори натижаларни кўрсатиб, ўз устида доимий равишда ишлаб келаётган ички ишлар органларининг терговчиларида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ўртасида ижтимоий адолатни таъминланиши масаласида асосли саволларни юзага келишига сабаб бўлмоқда. Натижада, бир органнинг илғор ходимларида, хизмат олиб бораётган тузилмасидан кўнгли тўлмай, бошқа органга ишга ўтиш фикрлари пайдо бўлмоқда. Бу эса, турли хил салбий оқибатларга олиб келмоқда.

Юқорида қад этилганидек, бугунги кунда прокуратура ва ички ишлар органларининг қўшма кўрсатмаларига мувофиқ, қасддан одам ўлдириш жинояти бўйича кўп ҳолларда прокуратура терговчилари ва ички ишлар органларининг тезкор ходимларидан иборат бўлган доимий тергов-тезкор гуруҳлари ташкил этилиб, улар томонидан жиноятни очиш бўйича ҳамкорликда чора-тадбирлар амалга оширилиб келинмоқда. Афсуски, ҳуқуқни қўллаш амалиётининг таҳлили шуни кўрсатадики, бундай гуруҳлар кўп ҳолатларда самарали ишламайди ёки уларнинг таркиби тез-тез ўзгартириб турилади. Чунки, одатда прокуратура терговчилари тезкор ходимларга нисбатан паст назар билан қараб, уларни ўзининг тўғридан-тўғри бўйсинувидаги бўлган ходим сифатида билади. Бу эса, ўз навбатида тезкор ходимларга хуш келмайди. Натижада, тезкор ходимлар прокуратура терговчиларига ўзлари тўплаган энг муҳим бўлган тезкор маълумотларни ўз вақтида тақдим этмайди [10].

Буларнинг барчаси, содир этилган жиноятларни иссиқ изидан очиш, айбдор шахсларни аниқлаш ва уларнинг айбини исботлаш билан боғлиқ масалаларга салбий таъсир кўрсатмоқда.

Маълумки, амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига мувофиқ прокуратура органларига Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни амалга ошириш асосий вазифа сифатида белгиланган. Қолаверса, айрим хорижий мамлакатлар тажрибасидан [11] келиб чиққан ҳолда Ўзбекистонда ҳам прокуратура органларидан тергов қилиш ваколатини қисман олиш ҳамда улардаги бўшаган терговчи штатларини ички ишлар органларига ўтказиш масаласини ўйлаб кўриш лозим. Чунки, сир эмас жиноятларнинг сони доимий равишда ўсиб бораётган бир пайтда тезкор ходимлар билан терговчиларнинг биргаликда режалаштирилган чора-тадбирлар ижроси ҳамда тезкор-қидирув маълумотлари натижаларидан унумли фойдаланилиши жиноятчиликка қарши курашишдаги роли ортиб бормоқда. Оддий қилиб айтганда, ички ишлар органларининг терговчилари ва тезкор ходимлари битта идоранинг томи остида бўлганлиги сабабли, уларнинг бундай режаларни амалга оширишдаги ўзаро таъсири прокуратура терговчиларига қараганда анча самаралидир.

Лекин шундай бўлсада, Фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига қарши, одил судловга қарши ҳамда мансаб ваколати билан боғлиқ жиноятлар прокуратура органларининг тегишлилигида қолиши мантиқан тўғридир.

Назаримизда, турли дастлабки тергов органлари ўртасидаги тегишлиликни чегаралаш муаммоларини кўриб чиқиш жараёнида, ягона тергов органини яратиш билан боғлиқ масалаларга тўхталиб ўтмаслик мумкин эмас. Чунки, бу омил ҳар доим терговга тегишлилик масалаларини ҳал қилиш заруратини келтириб чиқаради [12].

Ягона тергов аппаратини яратиш ғояси бўйича биз фикрларини ўрганган олимлар унинг ташкил этилишини турли позициялардан баҳолаганлар.

Тергов аппаратининг бирлигини таъминлаш ва унинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш тизимидаги ўрнини аниқлаш зарурлиги ҳақидаги мунозаралар 60-йилларда пайдо бўлган. Т.А.Бурикова Ички ишлар вазирлигида тергов аппарати ташкил этилишига баҳо берар экан, буни СССРда илгари мавжуд бўлган тергов аппарати тизимининг фундаментал ташкил этилиши деб ҳисоблаб бўлмади, аммо ярим ўлчовдир, дея қайд этган. Шу билан бирга, Т.А.Бурикова терговчиларнинг идоравий бўйсунлигини йўқ қилиш орқали тергов аппаратини такомиллаштириш, яъни терговчиларни бугунги кундаги ИИБ, ДХХ ва Бош прокуратура аппаратларидан олиб ташлаш ва уларни тўғридан-тўғри ҳукуматга бўйсундиган ягона тергов органига жамлашни таклиф қилади [13].

Унинг фикрича, ҳукумат ҳузуридаги марказий тергов аппаратини Тергов қўмитаси деб номлаш лозим. Бу масала юзасидан М.С.Строгович тергов органларини Адлия вазирлиги тизимига киритишни тўғрироқ деб ҳисоблайди [14].

Бу таклиф, бизнингча, биринчи навбатда, дастлабки терговни суриштирув ва тезкор-қидирув фаолиятдан ажратишга қаратилгани билан қабул қилиниши мумкин эмас. Ва бундай бўшлиқ дастлабки тергов фаолиятини самарали ташкил этилишига тўсқинлик қилади. Чунки тергов ҳаракатлари ўз навбатида тезкор-қидирув тадбирлари билан қўллаб-қувватланмайди. Муаммонинг бундай ечими терговчиларнинг тезкор-қидирув ходимлари билан ўзаро муносабатларининг ёмонлашишига олиб келади.

## Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори, 14.05.2018 йилдаги ПҚ-3723-сон // <https://lex.uz/docs/3735818?ONDATE2=01.02.2019>. (Электрон манбага мурожаат қилинган вақт: 09.03.2024).
2. Жиноят-процессуал ҳуқуқ: Дарслик // юридик фанлар доктори, професор М.А.Ражабова таҳрири остида. Тўлдирилган ва қайта ишланган учинчи нашри. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси, 2019. – Б. 398.
3. Муборак тумани ИИБ ҳузуридаги тергов гуруҳи юритувида бўлган 104011/2023-493Ж-сонли жиноят иши.
4. Коробов Д.И. Об усилении прокурорского надзора при передаче сообщений о преступлениях по подследственности. // В сборнике: Прокурорский надзор в досудебном производстве по уголовным делам. Сборник статей по материалам круглого стола, проведенного в рамках Кутафинских чтений. Под редакцией Т.И. Отческой. 2019. С. 191-196.
5. Ўтказилган сўровнома натижаларининг таҳлили асосида олинган маълумотлар.
6. Ўрганилган жиноят иши материаллари таҳлили асосида олинган маълумотлар.
7. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги Тергов департаменти томонидан тақдим этилган маълумотлар таҳлили.
8. Ўтказилган сўровнома натижаларининг таҳлили асосида олинган маълумотлар.
9. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги Тергов департаменти томонидан тақдим этилган маълумотлар таҳлили.
10. Ўтказилган сўровнома натижаларининг таҳлили асосида олинган маълумотлар.
11. Князева Е.Г. Прокурорский надзор в зарубежных странах // <file:///C:/Users/itishniki/Downloads/prokurorskiy-nadzor-v-zarubezhnyh-stranah.pdf>. (Электрон манбага мурожаат қилинган вақт: 19.12.2023).
12. Супрун С.В. К дискуссии о возможности включения в подследственность следственного комитета Российской Федерации правоохранительного органа "Росгвардия". Военно-правовые и гуманитарные науки Сибири. 2023. № 3 (17). С. 47-56.
13. Бурикова Т.А. История возникновения и развития института подследственности в уголовном процессе России. Modern Science. 2022. № 8. С. 40-41.
14. Строгович М.С. Курс советского уголовного процесса. Том 1. Основные положения науки советского уголовного процесса. <https://kalinovskyy-k.narod.ru/b/strogovich/Strogovich.html>. (Электрон манбага мурожаат қилинган вақт: 19.12.2023).